



## ИЛГОР ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАР- ИҚТИСОДИЙ БИЛИМЛАРНИ ЎЗЛАШТИРИШ ЖАРАЁНИ ВОСИТАСИ СИФАТИДА

**Содиқова Мунаввара**

*Осиё Халқаро Университети магистранти*

*“Мен эшитаман- унутаман.  
Мен кўраман- хотирамда сақлайман.  
Мен бажараман- ва тушунаман”  
(Хитой халқ мақоли)*

Инсоннинг билим даражаси, маълумотлилиги, илмий фикрлаши, дунёқараши иқтисодий баркамоллик даражасини оширишда энг асосий омиллардан бири сифатида баҳоланмоқда. Чунки, инсон ўз эҳтиёжларини тўлароқ қондириши, ишлаб чиқаришда иштирок этиши, учун зарур капитал захираси сифатида унинг саломатлиги билан биргаликда эга бўлган билим, кўникма, тажриба ва малакалари мажмуасини ажратиб кўрсатиш мумкин.

Бугунги кунда таълимни ривожлантиришнинг асосий стратегик йўналишлари бутун дунё миқёсида муҳокама марказида турибди. Янги – кредит-модуль тизими шакллантирилмоқда. Мазкур тизимнинг самарадорлиги эса талабаларда ижодкорлик, мустақил ишлаш кўникмаларини, аниқроқ қилиб айтганда, компетентли хусусиятларни ҳосил қилишдан бевосита боғлиқ.

21-аср “глобал ахборот жамияти асри” деб номланади. Бундай жамиятда билим, илм, ахборот ва коммуникация инсоният тараққиётининг асоси бўлиб хизмат қилади.

Демак, ижтимоий ҳаётнинг ҳар қандай жабҳасида бўлгани каби, мазкур жараёнлар орасида иқтисодий билим олиш ва ўргатиш ҳам уларнинг қўлланишисиз амалга ошмайди. Замонавий киши учун ахборотни ўзлаштириш, аудиовизуал образларни тушуниш, ахборот оқимларидан оқилона фойдаланиш ва мўлжални тўғри олиш кўникмалари жуда муҳимдир.

Иқтисодий фанларни ўқитиш жараёнида ўқувчи-талабаларнинг индивидуал хусусиятларини инобатга олиб, инновацион технологияларни самарали қўллаш зарур. Инновацион технологиялар таълим жараёни узлуксизлигини таъминлашга хизмат қилувчи вақтни, моддий базани ва интеллектуал ресурсларни камроқ сарфлаб, юқори натижаларга эришиш воситаларидир.

Иқтисодий фанларни ўқитиш жараёнида кўплаб педагогик технологияларни қўллаш тавсия этилади:

- Ривожлантирувчи технологиялар;
- Жамоавий ўқитиш тизими;
- “Дебатлар” технологияси;
- Ҳамкорликда ишлаш технологияси;



- Ўйин усулларини қўллаш;
- Танқидий фикрлашни ўстирувчи технологиялар;
- Ахборот –коммуникацион технологиялар;
- Интерактив технологиялар;
- Масофавий ўқитиш технологиялари ва ҳоказолар.

Иқтисодий фанларнинг бошқа фанлардан ажратиб турувчи хусусияти шундаки, унда ўрганган билимларингизни тажриба, ҳаётда синаб кўриш орқалигина ривожлантириш мумкин. Берилган матнни ёдлаш билангинаэса мақсадга эришиб бўлмайди.

Дарс жараёнида ўқувчи талабаларни фаол жалб этишнинг асосий кўринишлари-бу моделлаштирувчи машқлар бажариш, гуруҳий қарор қабул қилиш, маслалар ечиш, биргаликда тақдиротлар тайёрлаш ва уни амалга ошириш, ўз стратап лойиҳаларини ишлаб чиқиш каби технологиялар дарс мақсадига эришишида муҳим роль ўйнайди.

“Ишбилармонлик ўйини”ни ҳар қандай иқтисодий фан мавзуларида самарали қўллаш мумкин. Масалан, иқтисодиёт назарияси, иқтисодий билим асослари, менежмент, маркетинг, корхона иқтисодиёти, каби фанлар назарийгина эмас, амалий аҳамиятга эга кейслар билан боғлаб, ўқитилса, самарадорлиги янада юқори бўлади. Талабалар ўйинлар жараёнида иқтисодий муносабатлар субъектларининг даромадлари, фойдаси сарфлари, самарадорликни баҳолаш, ишни юргизиш бўйича эга бўлганлари маълумотларини билимга, кўникмага кўтариш имкониятини қўлга киритадилар.

Ўйинларни қўллаш самарадорлигининг асосий белгилари ва хусусиятларини 1-расмда кўришимиз мумкин.



1-расм. Ўйинларни қўллаш самарадорлигининг асосий белгилари.

Албатта, ўйинларни болаларнинг ёши, гуруҳларнинг психологик хусусиятлари каби элементларни инобатга олган ҳолда, танлаш лозим. Масалан, 5-7-синфларда ўқийдиган ўқувчилар учун иқтисодий эртақлар ўқиш, саёҳатлар ташкил этиш кабилар қўлланилса, юқори синфлар ўқувчилари учун ролли ўйинлар, аукционлар, ақлий хужум, дискуссиялар ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

Замонавий дарс жараёнида фақат ўқитувчи ва унинг билими билан чекланиб бўлмайди. Балки, ахборот технологиялари, интернет имкониятлари, тестларни фойдаланиш материалларни етказишнинг самарали фойдаланиш воситалари ҳисобланмоқда. Бунда бир вақтнинг ўзида эгалланган билимларни баҳолаш имконияти ҳам мавжуд бўлади.

Бугунги кун таълим жараёнида иқтисодий фанларни ўқитишда бизнес, жамият ва давлат эҳтиёжларини мўлжаллаш муҳим аҳамиятга эга бўлиб бормоқда. Барча ўқитиш технологиялари ва воситалари албатта, коммуникатив компетентликни ошириш. Ўқувчиларни янги билимлар олишга тайёрлаш, янги ахборотларни самарали ўзлаштириш каби натижалар беради.

Россиялик машҳур иқтисодчи-педогог Тамара Крепс томонидан тайёрланган мақолаларни ўрганиш жараёнида қуйидаги маълумотлар эътиборимизни тортади: Иқтисодий фанларни ўқитишда қуйидагиларни белгиланган фоизларда қўллаш жуда юқори самара беради:

1-диаграмма. Иқтисодий фанларни ўқитиш жараёнида услубларни қўллаш самарадорлиги чегараси. (фоизларда)



Иқтисодий фанларни ўрганиш жараёнида инновацион технологияларни интеграллашган ҳолда қўллаш натижасида қуйидагиларга эришиш мумкин:

- Қарор қабул қилишда масъулиятни ўз зиммасига олиш кўникмаси;



- Турли миллат, ирқ , маданиятга тегишли бўлган инсонларни ҳурмат қилиш хусусиятлари;
- Ҳар хил ахборот турлари билан ишлаш кўникмаси;
- Ўз билими ва маълумотини ошириш имкониятини ўстириш ва ҳоказолар.

### АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Тюмина Н.С. Модернизация экономического образования// Социальные и технические сервисы: проблемы и пути развития. Сборник статей по материалам всероссийской научно-практической конференции. 2015. С. 315-318.

2. : Крепс Т.В. Применение современных образовательных технологий при преподавании экономических дисциплин // Научный вестник Южного института менеджмента. 2018. №4. С. 124-131.